ЎҚИТУВЧИ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахрамова Абира Абдуллаевна
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Аннотация. *Ушбу мақолада ўқитувчи профессионаллигининг психологик ва педагогик хусусиятлари, унинг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда педагогик маҳоратни шакллантирувчи асосий омиллар таҳлил қилинган. Ўқитувчининг мулоқот қобилияти, эмпатияси, ҳиссий барқарорлиги, ижодкорлиги, мустақил ва мантиқий фикрлаши каби муҳим психологик хусусиятларнинг касбий фаолият самарадорлигидаги ўрни ёритилган. Шунингдек, шахсга йўналтирилган таълим, рол хулқ-атвори ва ўзаро таъсир, интеллектуал ривожланиш, фикрлаш қобилиятларини ўргатиш ҳамда осонлаштирилган ўрганиш моделлари асосида ўқитувчи профессионаллигининг таркибий компонентлари кўриб чиқилган. Ўқитувчининг касбий маҳоратини ривожлантиришда психологик-педагогик тайёргарлик, инновацион ёндашувлар ва ижодий салоҳиятнинг аҳамияти асослаб берилган.*

Калит сўзлар: *ўқитувчи профессионаллиги, педагогик маҳорат, психологик хусусиятлар, педагогик қобилият, касбий компетентлик, ижодкорлик, эмпатия, ҳиссий барқарорлик, интеллектуал ривожланиш, шахсга йўналтирилган таълим, инновацион таълим, когнитив қобилият.*

Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг алоҳида соҳаси бўлган ўқитувчининг профессионаллиги ва унинг индивидуал психологик хусусиятлари (шахсий ва ақлий хусусиятлар даражасида) ўртасидаги боғлиқлик масалаларини таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, педагогик кўникмаларни ривожлантириш ва ўқитувчининг психологик-педагогик тайёргарлиги муаммоси устида ишлаш муҳим аҳамият касб этади.

Касбий маҳоратнинг ривожланиши ўқитувчи шахсининг қуйидаги, яъни, мулоқот қобилиятлари, идрок қобилиятлари (профессионал ҳушёрлик, эмпатия), шахс динамикаси (ихтиёрий таъсир кўрсатиш ва мантиқий ишонтириш қобилияти), ҳиссий барқарорлик (ўзини бошқариш қобилияти),

оптимистик прогнозлаш, ижодкорлик қобилияти каби етакчи қобилиятлари билан боғлиқ [2].

Педагогик маҳоратнинг ижодий жиҳатини ўрганган тадқиқотчилар [1; 3; 4] ўқитувчининг юқори профессионал даражаси ва индивидуаллиги нафақат ўқув фанини чуқур билишини, шу билан бирга, ижодий шахсларни ривожлантириш ва ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш қобилиятини ҳам англатишини таъкидлайдилар. Бунга эришиш учун ўқувчиларни ижодий жараёнга жалб қилиш ва уларнинг ижодий фаоллигини уйғотишда аввало, ўқитувчининг ўзи ижодий инсон бўлиши керак. Таъкидлаш жоизки, ўқитувчилар учун анъанавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимлари ўқитувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришга ҳисса қўшмайди, балки, фақат профессионал билим доирасини кенгайтиради. Шунингдек, ўқитувчининг профессионаллик даражсини ижодий қобилият нуқтаи назаридан тавсифлаш ва баҳолаш бир қанча илмий тадқиқот ишларида таъкидлаб ўтилган, бу тадқиқот натижалари профессионал маҳорати ва унинг индвидуал ижодий салоҳиятининг таркибий қисмларини тушунишга маълум бир даражада ёрдам беради.

Ўқитувчи профессионаллигининг психологик ва педагогик хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш муаммоси борасида ўтказилган психологик адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, унда ўқитувчи профессионаллигининг таркибий қисмлари ва кўрсаткичлари мактаб таълимининг турли концептуал моделлари ва дастурлари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган. Қуйида ушбу моделлар ва дастурларнинг қисқача тавсифни келтириб ўтамиз.

1.“Шахсга йўналтирилган таълим” модели (K.Rojers, G.Allrort, A.Maslow, A.W.Halpin, M.Miles, S.Sarason, M.V.Bowen ғоялари) ўқувчиларга ва талабага йўналтирилган бўлиб, индивидуал ёндошув тамойилларини амалга оширишни таклиф қилади, унда ўқитувчи ишида интерактив усуллар, педагогик технологиялар ва табақалаштирилган ўқув дастурларида фойдаланиш тавсия этилади. Ушбу модел талабларига мувофиқ ишлайдиган ўқитувчининг профессионаллиги ўқувчи ва талабанинг ақлий ва шахсий хусусиятларини билиши, унинг ўрганиш даражасини ташҳислаш қобилияти, янги таълим мақсадларини мустақил равишда шакллантириш қобилияти, янги таълим мақсадларини мустақил равишда шакллантириш қобилияти; дарсларда гуруҳ ва индивидуал

ишларни ташкил қилишнинг инновацион усуллари, технологиялари ва усулларини қўллаш қобилияти компонентлари билан тавсифланади.

2.“Рол хулқ-атвори ва ўзаро таъсир” модели (K.A.Howey, R.Scmuck, D.Mann, T.B.Greenfield) ғоялари. Ушбу моделни амалга ошириш ўқитувчилар жамоасининг самарадорлигини таъминлайдиган рол хулқ-атворининг муайян шакли ва ташкилий хулқ-атворнинг норматив жиҳатдан белгиланган стандартларини ўзлаштиришни назарда тутади. Мазкур моделда ўқитувчи профессионаллигининг таркибий қисмларига “ўқитувчи”нинг функционал ролини бажариш учун зарур бўлган ихтисослашган билим, кўникма ва қобилиятлар, жамоада қулай микроиқлим яратиш қобилияти ва истаги, маъмурият, ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар ўртасидаги муносабатларни ўзгартиришга қаратилган психологик инновациялардан фойдаланиш жараёни кўзда тутилади.

3.“Таълимда интеллектуал ривожланиш” модели (G.Bruner, H.Gardner, D.Lasser, J.Zachorik, R.Stenberg, B.Torff ғоялари). Ушбу моделни амалга ошириш жиҳати ўқитишга анъанавий, репродуктив ёндошувни енгил ўтиши ва янги таълим парадигмаларига ўтиш ҳисобланади. Бу моделда “Мактаб - бу ақл дунёсига кириш”, “Мактаб қандай фикрлашни ўргатиши керак, деган тамойил алоҳида таъкидланади. Мазкур моделнинг моҳияти ўқитувчини профессионаллигининг таркибий қисмлари ўқувчиларнинг турли хил интеллект турлари ва интеллектуал хусусиятларини билиш, ўқувчиларнинг когнитив фаоллиги ва мустақил фикрлашини ривожлантиришни таъминлаш қобилияти (муаммо ечимларини излаш), интеллект ривожланишини фаоллаштирадиган ноанъанавий усул ва техникалардан фойдаланиш қобилияти билан белгиланади.

4.“Фикрлаш қобилиятларини ўргатиш” модели (A.Wiembey, A.Wosham, K.Chuska ғоялари). Ушбу модел мактаб фанларини ўрганишда “фикрлашни ўргатиш жараённи”ни ташкил этиш имконини берувчи махсус дидактик шароитларни яратишни назарда тутади. Ўқитувчининг профессионаллиги унинг компетенциясига, дастурни таҳлил қилиш ва амалга ошириш кўникмаларига, “фикрлаш қобилиятларини ўргатиш”га қараб баҳоланади. Бунда ўқувчиларнинг когнитив эҳтиёжларини ташхислаш ва баҳолаш қобилиятига, фикрлаш қобилиятларини изчил ўқитиш ва ҳар бир кўникмани маълум дастур мазмунига қўллаш режаларини ишлаб чиқишга ва кўникмаларни қўллаш самарадорлигини текширишга катта аҳамият берилади.

5.“Осонлаштирилган ўрганиш” модели (R.Feuerstein, M.Ben Hur ғояси). Улар ўқитувчи профессионаллигининг кўпроқ индивидуал кўрсаткичларини ўз ичига олади ва когнитивлик назария ғояларига асосланган. Моделнинг мақсади “ўқитувчи-воситачи” билан ўзаро алоқада бўлиш орқали инсон ҳаётининг турли соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилиш учун турли вазифаларни бажарадиган ўқувчиларнинг когнитив қобилиятлари ва кўникмаларини ривожлантиришдан иборат. Воситачи билан ўқитиш ўқитувчи фаолиятининг учта асосий тамойилига асосланади: мақсадга йўналтирилганлик ва ўқувчи билан ўзаро алоқа, транссенденция (болани маълум бир тажриба ёки вазиятдан ташқарига олиб чиқиш ва ўқувчиларнинг умумий когнитив кўникмаларини ривожлантириш деган маънони англатади) ва ўрганишнинг аҳамияти (ўрганишнинг зарурлиги ва фойдалилигини англаш ва академик ишга ижобий-ҳиссий муносабатни ривожлантириш). “Ўқитувчи – воситачи”нинг муваффақияти ва уларнинг профессионаллиги ушбу тамойилларни ўқувчилар билан ишлашда аниқ ташкил этилган ҳолда амалга ошириш билан белгиланади.

Айтиш жоизки, кўпгина психологик адабиётларда ўқитувчи профессионаллигининг таркибий қисмлари мактаб таълим дастурлари ва ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган меъёрий талаблар доирасида ифодаланган бўлиб, улар шахсни ривожлантириш, ақл-заковат; фикрлаш (ўқувчилар), рол хулқ-атвори ва ўзаро таъсир (ўқитувчилар) каби психологик тушунчалар билан белгиланади, уларни маҳаллий муаллифларнинг позициялари билан қиёсий таҳлил қилиш нуқтаи назаридан илмий ва амалий аҳамиятга эга деб ҳисоблаш мумкин.

Адабиётлар

1.Гилева И.О. Творчество как характеристика профессионализма // Прикладная психология. – Москва, 2002. – № 4. – С. 59-64.

2.Основы педагогического мастерства. Под ред. И.А.Зазюна. –М.: Просвещение, 1989. – 302 с.

3.Психолого-педагогические основы подготовки современного учителя: Методические рекомендации для преподавателей педагогических вузов (состав. М.С.Бургин и др.). – Полтава: ПГПИ, 1990. – 91 с.

4.Психология труда и личности учителя: Сб. науч. тр. ЛГПИ им. Герцена. Вып 1.–Ленинград, 1977. – 136 с.

5.Психология становления педагога профессиональной школы / Под ред. Э.Ф. Зеера.– Екатеринбург: Изд-во УГППУ, 1996. – 148 с.